



## ИСЛОМ МОЛИЯСИ АСОСИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

**Набиев Ислом Отабек ўғли**  
Ўзбекистон Республикаси банк  
молия академияси тингловчиси

**Аннотатсия:** Мазкур мақолада ислом молияси тармоғи асосида банк хизматлари тизимини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилган. Бу йўналишда амалга оширилаётган самарали ишлар таҳлил этилиб, назарий жиҳатлари баён этилган. Ислом молияси тизими — бу пул маблағларидан фойдаланиш ва тақсимлаш жараёнида Ислом ҳуқуқи қоидаларига мос келувчи иқтисодий муносабатларни ўз ичига оладиган Ислом экотизимининг бир қисмидир ва шу қисмда банк тизими фаолиятини йўлга қуйиш асосий масаладир.

**Калит сўзлар:** Ислом молияси, ислом банки, соф фойда, ижара, мурабаҳа, Ислом молиявий банки.

**Abstract:** This article examines the issues of establishing a system of banking services based on the Islamic finance network. Effective works in this direction are analyzed and theoretical aspects are described. The Islamic financial system is a part of the Islamic ecosystem that includes economic relations in accordance with the rules of Islamic law in the process of using and distributing funds, and the establishment of the banking system in this part is the main issue.

**Keywords:** Islamic finance, Islamic banking, net profit, rent, murabaha, Islamic financial banking.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются вопросы создания системы банковских услуг на основе сети исламских финансов. Проанализированы эффективные работы в этом направлении и описаны теоретические аспекты. Исламская финансовая система является частью исламской экосистемы, включающей в себя экономические отношения в соответствии с нормами исламского права в процессе использования и распределения денежных средств, и создание банковской системы в этой части является основным вопросом.

**Ключевые слова:** исламские финансы, исламский банкинг, чистая прибыль, рента, мурабаха, исламский финансовый банкинг.

### КИРИШ

Сўнгги йилларда ўзининг фаолият механизмларига юқори даражада қизиқиш ҳамда глобаллашувнинг ўсиши билан боғлиқ ҳолда, исломий банкинг шиддатли ривожланишни бошдан кечирмоқда. 500 дан ортиқ исломий молиявий муассасалар оддий чакана молиялаштиришдан тортиб, корпоратив таркибли қимматли қоғозларни чиқариш усуллари билан маблағ жалб этишга қадар бўлган кенг миқёсдаги хизматларни таклиф этмоқдалар.

Умуман, исломий банкларнинг фаолияти қуйидаги асос бўлувчи қоидаларга таянади:



- пул пулдан пайдо бўлмаслиги керак, яъни капиталнинг ўсиши соф пул айланмаси соҳасида амалга ошириши мумкин эмас;
- инвесторларнинг даромади савдо ва ишлаб чиқаришга қилинган инвестициялар билан боғлиқ бўлиши керак;
- битим иштирокчилари ўртасидаги муносабат шерикчилик асосида қурилиши лозим;
- пул товар ҳисобланмайди, у фақат қиймат ўлчовидир.

Пул маблағларини сафарбар қилиш усуллари улушли иштирок (ҳиссадорлик капиталига инвестиция киритиш эвазига маблағларни жалб этиш) ва сукук сертификатлари ҳисобланади. Товар-пул айланмаси асосида фақат воқеликда мавжуд товар ва хизматларга тааллуқли битимлар ётади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020-йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномада таъкидлаганларидек- “Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати етиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади”<sup>51</sup>

Банклар ҳаммадан қарз олиб, ўз ҳисобидан бошқа тижорий муассасаларга, ишлаб чиқариш ёки бошқа соҳаларга қарз беришни ўзига одатий касб қилиб олган ташкилотдир. Банклар қарз берувчи ва олувчи ўртасида воситачилик қилади. Бировга қарз бериш учун, бировдан қарз олади. Бошқача қилиб айтганда банк қарзлар савдогаридир. У қарз олиш, қарз бериш, фойда олиш, пул алмаштириш, пул кўчириш, зиммага олиш, омонат кассаси учун ижара ҳақи олиш ва бошқа банкка тегишли муомалаларни амалга ошириш учун ташкил қилинади.

Исломий банк ислом асосларига таянган ҳолда, рибога аралашмасдан банк ишларини юргизадиган банкдир. Бу банк музораба учун қарз олади ва бошқаларга музораба, муробаҳа, ижара учун ва шу каби шаръий молиявий муомалалар учун маблағ беради.

2020 йилнинг бошида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури доирасида «**Ўзбекистонда исломий молия маҳсулотлари таҳлили**» бўйича амалга оширилган тадқиқот доирасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра банк кредитларидан фойдаланмасликнинг асосий сабаби сифатида авваламбор диний қарашлар, кредитлар бўйича юқори фоиз даражаси ва кредитлаштиришнинг мураккаблиги кўрсатилган. Агар мамлакатда ислом молия муассасаси ташкил этилса, юқоридаги сўровномада иштирок этган қатнашувчиларнинг аксарияти бу муассаса хизматидан фойдаланиши мумкинлигини таъкидлашган. Ҳатто, анъанавий банклар ҳам Ўзбекистонда ислом молия муассасаси ташкил қилиш молия тармоғида ҳалол ва шаффоф рақобат юзага келишига, натижада мамлакатга сармоялар оқимининг ўсишига ва диверсификациясига олиб келиши ҳақида ўз фикрини билдирган<sup>52</sup>. Ислом банкларига эҳтиёжнинг ортишига сабаб жамият учун зарарли бўлган фаолиятнинг таъқиқланиши, реал активларга асосланганлик, молиявий инқирознинг риск даражасининг пастлигидир.

<sup>51</sup> <https://president.uz> 12.2020 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасидаги нутқидан. статиста.ком 2021.

<sup>52</sup> <https://kun.uz/uz/news/2020/12/29>



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ИХТ ТИВ кенгаши 43-сессияси очилиш маросимида сўзлаган нутқида «Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдоиқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўлларини ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади»<sup>53</sup>, – дея таъкидлаб ўтган эди.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:**

Исломий молия саноати ўзининг нисбатан қисқа тарихи мобайнида узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Исломий молиявий муассасалар амалиёти ушбу соҳада охирги ўн йилликда, энг аввало, жаҳон иқтисодиёти миқёсида жиддий тараққиётга эришди. Исломий молия тарихи ушбу тизимнинг капитализм доирасида самарадор ва яшовчанлигини кўрсатди.

Ўз навбатида, малайзиялик олим Судин Хорун исломий банк тизимида ишлатиладиган беш тоифадаги воситаларни келтиради: биринчи тоифага фойда ва зарарларни тақсимлашга асосланган воситалар, иккинчисига эса олди-сотдига асосланган воситалар, учинчисига – йиғим ва комиссияларни ўз ичига олган воситалар киради. Тўртинчи тоифа бепул хизматларни, бешинчиси эса – ёрдамчи хизматларни ўз ичига олган воситаларни баён этиб беради<sup>54</sup>.

Х. Виссернинг фикрига кўра, Банк ёки ҳар қандай бошқа киши рабб ал-мол ёки капитал эгаси, инвестор сифатида лойиҳани амалга ошириш учун лозим бўлган капитални беради. Музориб ёки агент ҳисобланган бошқа томон ўз меҳнати ва касбий маҳоратини киритган ҳолда, корхонани бошқаради. Музораба шартномаси фойда ва зарарларни тақсимлаш шартномасидир. Шунинг учун музораба бизнесни молиялаштириш учун мўлжалланган ва истеъмолни молиялаштириш учун ярамайди.

Улушли иштирок шартномасининг шакли сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Фойда ва зарарлар келишилган шартларга мувофиқ, гарчи ҳар қандай адолатли мутаносибликда тақсим қилиниши мумкин бўлса-да, одатда, у шерикларнинг фирма капиталидаги улушига мутаносиб тақсим қилинади.

Банк ва мижознинг қўшма лойиҳаси бўлиб, у банк ва мижоз ўртасида шерикчилик тўғрисида келишув имзоланишини кўзда тутуди ва унга мувофиқ томонлар лойиҳани биргаликда молиялаштирадilar. Фойда ва зарарлар томонларнинг лойиҳани молиялаштиришдаги иштирокига мутаносиб мижоз ва банк ўртасида тақсимланади.

Келишув бўйича банк аввал мижоз талаби бўйича буюм, кўчмас мулк ва хоказоларни сотиб олади, кейин эса уни мижозга ижарага беради. Ижара муддати давомийлиги ва ижара тўлови миқдори (ўрнатилган ёки вақт давомида ўзгарадиган) томонлар тарафидан келишиб олинади<sup>55</sup>.

<sup>53</sup> Шавкат Мирзиёевнинг ИХТ ТИВК 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи 18.10.2016

<sup>54</sup> Судин Хорун, Ван Нурсофиза Ван Азмий. Исломий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. Қозон: Линова-Медиа, 2012. – 536-б.

<sup>55</sup> Hans Visser. Islamic Finance: Principles and Practice. – Edward Elgar, Cheltenham, UK • Northampton, MA, USA, – 2009.



Иброҳим Варде исломий молиявий маҳсулотларни мазкур воситалардан фойдаланишда вужудга келадиган ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар мажмуига асосланиб таснифлайди. Шунга мувофиқ равишда у сотишга асосланган муробаҳа, мусовама, истисноъ, салам, таварруқ ва ийна каби битимлар кирадиган маҳсулотларни ажратиб кўрсатади. Иккинчи гуруҳдаги воситалар ижара (ёллаш)га асосланган маҳсулотлардир. Учинчи гуруҳга эса фойда ва зарарларни бўлишиш ҳамда улушли иштирокка (музораба ва мушорака) асосланган маҳсулотлар кирати<sup>56</sup>.

С. Хайрон таҳлилларига кўра, қарз олувчи томонидан кредиторга қарзнинг фақат асосий миқдорини қайтариш мажбуриятини юқловчи «хайрия» кредити. Лекин қарздор ўз ихтиёрига кўра, кредитнинг асосий миқдорига кўшимча сифатида мукофот тўлаш ҳуқуқига эга. Қарзнинг ушбу шакли фоизсиз ва шариат тарафидан рухсат этилган ҳисобланади ҳамда у ижтимоий ва иқтисодий адолатга эришишга йўналтирилган.

Икки томон: сотувчи ва харидор ўртасида олди-сотди шартномаси. Ушбу маҳсулот давомли лойиҳаларни молиялаштиришга мўлжалланган, яъни шартномага кўра харидор мавжуд бўлмаган товарни сотиб олишга розилик билдиради, ушбу товар буюртма бўйича қурилиши ёки тайёрланиши лозим.

Сотувчи ва харидор ўртасида товар учун пулни дарҳол тўлаш, лекин кейинроқ муддатда етказиб бериш шартлари билан олди-сотди қилиш шартномаси. Битимнинг ушбу шакли бўнакли тўлов битими билан ўхшашдир.

#### **Тадқиқот методологияси:**

Мазкур мақолада Ўзбекистонда ислом мойияси асосида банк хизматлари фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришга доир фикр ва мулоҳазаларни таҳлил қилинган бўлиб, ушбу назарияни яна ҳам тушунарли ва мазмунли бўлишига учун чизма ва жадваллар усулидан фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси:**

Исломий банкингда банклар ва улар омонатчиларининг фойдаси турли лойиҳаларга киритилган маблағлар ҳисобига, воқеликдаги товар ва хизматларни яратувчи тадбиркорлик фаолияти жараёнида шаклланади. Капитал фақат савдо ва ишлаб чиқариш мақсадларига ишлайди. Банк асосан шерик (мушорака шартномаси) ёки траст жамғармаси (музораба шартномаси) сифатида иштирок этади. Ҳар икки томон – банк ҳам, миждоз ҳам шартномага кўра лойиҳадан келадиган фойда ва зарарни тақсимлаб оладилар ва шунга мувофиқ, фойда олиш учун саъйҳаракат қиладилар.

Исломий банклар ўз фаолиятини икки шаклдаги банк тизимида амалга оширади:

1) ислом фикҳи меъёрларига буткул мувофиқ тизим (Покистон, Судан, Эрон банк тизимлари);

<sup>56</sup> Ibrahim Warde. The Price of Fear: The Truth behind the Financial War on Terror / Ibrahim Warde. – London: IB Tauris, – 2007



2) давлат органи томонидан алоҳида тартибга солинадиган ва исломий банклар фаолияти анъанавий банклар билан бир қаторда фаолият юритадиган дуалистик тизим.

Тўлақонли исломий банклар учун банк фаолиятини шариат қоидаларига мувофиқлигини тартибга солиш марказий банк ва банк назорати органлари даражасида амалга оширилади.

Исломий банк қошида иш юритадиган шариат кенгаши банк битимларининг исломий молиялаштириш қоидаларига мувофиқлигини назорат қилади. Тадқиқотлар натижаси мижозлар маблағларини жалб этишнинг қўшимча воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин, яъни ушбу воситалардан фойдаланишда ислом меъёрларига риоя этишнинг кафолати сифатида қатнашади.

Исломий банк тизимининг бошқа кенг тарқалган схемаси икки таркибли усул ҳисобланади. Мазкур усулдан фойдаланишда банк пасивлари икки қисмга бўлинади: унинг бир қисми талаб қилиб олгунча (қайтарилиши кафолатланган) депозитларни, бошқа қисми эса инвестицион депозитларни ўз ичига олади. Талаб қилиб олгунча депозитлари шартнома амал қилишининг бутун муддати мобайнида омонатчиларга тегишли бўлади, демак, банклар мана шундай депозитлар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун захиралар (бухгалтерия маъносида) ташкил этишлари керак. Шу билан бир вақтда инвестицион депозитлар омонатчилар иштирок этадиган хатари мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Улар банклар тарафидан кафолатланмайди ва уларга захира талаблари татбиқ этилмайди.

Жоизлигига иттифоқ қилинган муомалалар:

1. Музораба;
2. Шерикчилик;

Ҳукми тўғрисида ихтилоф қилинган муомалалар:

### **1. Хизмат ҳақи:**

Баъзи исломий банклар ўз ишчиларидан қарз олди-бердиси учун хизмат ҳақи олишни йўлга қўйган. Агар ушбу хизмат ҳақи берилган қарз маблағидан маълум фоиз ёки муддат ҳисобига олинадиган бўлса, бунинг номи хизмат ҳақи бўлсада, аслида бу рибо фойдасидир.

Шунинг учун, бу кўринишдаги хизмат ҳақи жоиз эмас. Аммо агар банкнинг оладиган хизмат ҳақи қарз муомаласи йўлидаги амалий қийинчиликлар ва ҳаракатлар эвазига бўлса, бу жоиздир.

Баъзи уламолар бу кўринишдаги хизмат ҳақида ҳам рибо шубҳаси бор дейдилар.

Шу ўринда хизмат ҳақининг иқтисодий ўрни ҳам мавжуддир. У сармоя деб аталмиш нодир ўринга хосланган бўлиб, ундан кам бўлмаслиги керак. Чунки, банкнинг молиявий қизиқиши шаклланмайди. Марказий банк ишончли назорат учун мувофиқ келадиган воситадан узилади. Бу восита билан банк шериклар фойдасининг турини аниқлайди. Маблағлар ва фойдаларнинг ўртасидаги тафовут ортиб кетади. Чунки, қарз берувчиларнинг аксарида даромад чегараланган бўлиб, қарз олувчиларнинг кўпчилигида эса имконият кенг бўлади.

### **2. Сотиб олишга буюрувчининг фойда шериклиги:**

Ҳоҳида ишчиларнинг бири исломий банкдан маълум сифатдаги савдо молини сотиб олиб беришни талаб қилади. Банк савдо молини ишчига олиб беришга ваъда қилади. Банк у нарсани сотиб олгандан кейин ишчи уни банкдан сотиб олишга ваъда



қилади. Сўнгра банк савдо молини нақд пулга сотиб олиб, ишчига бўлиб тўлаш шarti билан қимматроқ нархга сотади.

Агар ушбу ваъда мажбурий бўлмаса, ҳамаср фуқаҳоларнинг барчаси бу келишув жоиз дейдилар. Агар қилинган ваъда мажбурий бўлса, ҳамаср фуқаҳоларнинг баъзилари буни манъ қилишган. Чунки, мажбурий ваъда шартнома ҳукмидадир.

### **3. Мажбурий ваъда:**

Ваъда тўғрисида қадимги фуқаҳоларнинг уч хил қарашлари мавжуддир:

а) Ваъдага вафо қилиш мустаҳабдир. Бу жумхур фуқаҳоларнинг фикридир;  
б) Ибн Шибрама ва бошқаларнинг фикрида ваъдага вафо қилишда ҳеч қандай узр бўлмаса у вожибдир;

в) Моликийлар наздида агар ваъда қилинган нарсага меҳнат ёки машаққат каби нарсалар аралашса унга вафо қилиш вожиб бўлади.

Мисол учун бир кишига: Уйлан, сенга ўн минг риёл бераман, деса, ва у уйланса қилган ваъдасининг устидан чиқиши вожиб бўлади.

Бу каби турли қараш унда хилоф бўлмаган айнан ваъда тўғрисидадир. Яъни, бу турдаги ваъда унда хилоф қилиш жоиз бўлган нарсалар бобидандир. Лекин ҳамаср фуқаҳоларимиз ўртасидаги ихтилоф ваъдани хайрия бобидан олди-бердилар бобига кўчирилганда вужудга келади. Чунки, олди-бердилар бобида қилинган ваъда ақднома ўрнига ўтиб қолади. Исломиё банкларда сотиб олишга буюрувчининг фойда шериклиги жоиз эмасдир. Чунки, бу ўзининг ҳузурида бўлмаган нарсани савдо қилиш жумласига киради. Демак, бунда ваъдани ақд билан алмаштирмоқдалар. Яъни, ақдни ваъда ўринида кўрмоқдалар. Баъзи фуқаҳолар агар шунда ваъда мажбурий бўлмаса, ақднома жоиздир, деганлар. Бошқа баъзилари эса ваъда мажбурий бўлса ҳам жоизлигини айтганлар.

Мажбурий ваъдани манъ қилган фуқаҳолар ақд нима нарсада ҳаром бўлса, унда мажбурий ваъда ҳам ҳаромдир деганлар. Чунки, мажбурий ваъда ақдга ўхшайди.

### **4. Охири мулк қилиб бериш билан тугайдиган молиявий ижара:**

Ижара йўлидаги савдо деганда охири мулк қилиб бериш билан тугайдиган (яъни савдо билан тугайдиган) ижарага айтилади. Маълумки, бу каби савдо ижара қилишга қобилияти бор савдо моллари доирасида тўғри бўлади. Яъни, кўп замонлар фойдаланса бўладиган савдо моли ёки собит асллар каби. Савдогарлар тақсит савдосининг ўрнига ўзларини кўпроқ ижара савдосига урадилар. Чунки, бунда олувчи зиммасидаги маблағни тўла адо қилмагунча, савдо молининг эгалик ҳаққи сотувчида туради. Агар олувчи зиммасидаги маблағни адо қилмаса, сотувчи молни олиб қўяди. Ижара молиялаштириш ижара савдосига ўхшайди. У ижара савдосини ҳам ўз ичига олади. Лекин бунда ижарага бериладиган савдо моли ижарачининг қўлида бўлмайди, балки ижарачи уни сотиб олиб кейин ижарага беради ва охирида сотади.

Демак, бу ерда аввало сотиб олиб беришга ваъда бор, сўнгра ижарага беришга ваъда бор, учинчидан сотишга ваъда бор. Агар ушбу ваъда мажбурий бўлмаса, бу ақднома жоиздир. Аммо ваъда мажбурий бўлса, баъзи уламолар бундай ақдномага рухсат бермаганлар. Чунки, бу амалиёт молик бўлмаган нарсани савдо қилиш ёки қўлга киритмай туриб савдо қилиш балки сотиб олмасдан савдо қилиш доирасига кириб қолади.

### **5. Алмаштирадиган қарзлар:**



Гоҳида мен сизга бир йилга мингни қарз бериб тураман. Сиз эса бунинг эвазига келажакда бир йилга мингни қарз бериб турасиз. Баъзида мен ўттиз кунга мингни қарз бераман. Сиз эса бунинг эвазига уч мингни ўн кунга қарз берасиз. Мана шу кўринишда қарзлар ўзаро баробар бўлмоқда. Бу аъдод (ан-намру) номли муомала асосида бўлади.

Баъзи ҳамаср уламоларимиз шундай қарзларга ижозат берганлар. Улар бунга далил қилиб, бунда икки томон қарзида ҳам рибо фойдаси йўқ, деган фикрни айтадилар. Бу кўринишдаги қарзни манъ қилган фуқаҳолар, исломда қарз маъруф (яъни хайрия) ишларидандир. Агар маъруф ишни қилишда бошқа бир маъруф ишни шарт қилиб қўйилса, унинг маъруфлиги қолмайди.

### **6. Камайиб борувчи шерикчилик:**

Баъзида банк мижозларининг бири билан кўчмас мулкда шерик бўлади. Мижоз банкка даврий бўлақдан белгиланган миқдордаги маблағни ўтказиб туришга келишади. Банк ўзининг эгаллик ҳиссасини камайтириб мижознинг номига ўтказиб боради. Охири бориб кўчмас мулкнинг барча эгаллик ҳуқуқи мижознинг номига ўтади.

Ушбу шерикчиликка баъзи ҳамаср уламоларимиз рухсат беришган, бошқалари эса рухсат беришмаган. Зеро эгаллик ҳуқуқидан воз кечиш исмий қиймат билан эмас, балки бозор қийматида бўлишлиги лозим. Бу амалиётнинг зоҳири шерикчилик бўлсада, аслида бу молиялаштиришликдир.

### **Кафиллик хатлари:**

Кафиллик исломда қарз каби хайрия, эҳсон ва ёрдам кўрсатиш амалларидан ҳисобланади.

Агар қарз берувчи ўз молини фойдасиз ёки иш ҳақисиз берса, кафил ҳам обрўси ёки кафиллиги эвазига ҳақ олмаслиги афзалроқдир. Агар кафил турганлиги учун ҳақ олса сўнгра уни тўласа, яъни қарз олувчи қарзни тўлай олмай, қарз берувчига кафил тўласа ва шунинг эвазига ҳақ олса бунда рибо шубҳаси мавжуддир. Лекин кафил пулни кўчириш, уни сақлаш каби ишлар учун сарф харажат қилган бўлса, ушбу қилган сарф харажатининг айнан ўзини қайтариб олиши жоиздир. Агар қилган сарф харажатининг устига кўшимча ҳақ олса, кафилликдаги манъ қилинган ҳақни олган бўлади. Жиддадаги ислом фикҳи академияси кафиллик хати мавзусида қарор қабул қилган. Унда ёлғиз кафилликнинг ўзи билан тўлаб бериш кафиллигининг ўртасини ажратилган. Кафиллик хатини талаб қилувчи ва кафил бўлувчи ўртасида ўзаро алоқа эътиборидан ушбу биринчи ҳолатда ёлғиз кафиллик алоқаси мавжуд холос. Иккинчи ҳолатдагидек кафиллик ва тўлов ваъдаси бор хатда ваколат алоқаси ҳам мавжуд бўлиб, вакиллик учун иш ҳақи олмоқлик жоиздир. Икки ҳолатда ҳам идорий сарф харажатларни қайтариб олишга ижозат беришган.

Ҳозирги вақтда банк ўзининг мижозларига молиялаштиришнинг қуйидаги воситаларини таклиф этмоқда:

- муробаҳа;
- истисноъ;
- ижара;
- муробаҳага асосланган молиялаштириш линиялари.

Мазкур молиялаштириш усулларида Ислом тараққиёт банки ёки ХСРИК томонидан тақдим қилинган шартномалар ишлатилади. Бу молиялаштириш юридик



шахсларга қаратилган бўлиб, Ўзбекистонда жисмоний шахслар учун мўлжалланган исломий молиялаштириш хизматлари ва маҳсулотлари мавжуд эмас, шунингдек, юридик шахслар учун ҳам юқорида қайд этилган маҳсулот ва хизматлардан ташқари, яъни исломий суғурта ёки депозитлар ва ҳ.к. исломий маҳсулот ва хизматлар таклиф этилмаган.

	Активлар	Пассивлар	
<b>Тижорий банкнинг</b>	Активлар билан таъминланган молиялаштириш (савдони молиялаштириш; гаров билан таъминланган фаолият)	Талаб қилиб олгунча депозитлар (омонат)	<b>Тижорий банкнинг</b>
<b>Тижорий ва инвестициявий банкнинг</b>	Синдикатлашган кредитлар (музораба, мушорака)	Жамғарма депозитлар (вадиа)	<b>Инвестициявий банкнинг</b>
		Инвестицион депозитлар (музораба)	
	Пуллик хизматлар (жуўла, ваколат, қарзи ҳасан)	Махсус инвестицион ҳисоб варақлар (музораба, мушорака)	
		Капитал	

*1-жадвал. Исломий банк баланси андозаси<sup>57</sup>.*

Исломий банкда жорий, жамғарма, инвестицион ёки махсус инвестицион ҳисоб варақларни очиш мумкин. Исломий банклардаги жорий ҳисоб варақлар бўйича талаблар ғарбдаги банкларда очиладиган мана шундай ҳисоб варақлардан амалда фарқ қилмайди. Жорий ҳисоб варақ бўйича фоиз тўланмайди, мижозга эса пулларини ҳар қандай вақтда қайтарилиши кафолатланади.

### **Хулоса**

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юртимизда ислом молиясига асососида ташкил этилган банк хизматлари фаолиятини ташкил этиш муҳим молиявий тизимнинг келажаги тез ўзгараётган молиявий дунёдаги ўз мақсад ва вазифаларини қай даражада удалашига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Исломий банклар ўзларининг корпоратив мижозлари айланма капиталига бўлган эҳтиёжини қондириш учун молиялаштириш маблағларини тақдим этади ва ушбу лойиҳавий молиялаштириш музораба, мушорака, муробаҳа, бай муажжал ва ижара тамойилларига асосланган. Банклар жисмоний шахсларга уй-жой, бинолар, халқ истеъмоли моллари ва ҳ.к.ларни сотиб олиш учун хусусий молиялаштириш маблағларини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. <https://president.uz> 12.2020 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги нутқидан. статиста.ком 2021.

<sup>57</sup> Grais W., Iqbal Z. Regulating islamic financial institutions: The nature of the regulated / W. Grais, Z. Iqbal // World Bank Policy Research Working. – 2004.





2. Е.А. Байдаулет. “Ислом молия асослари”, “Ўзбекистон” Тошкени 2019й. 34-бет
3. Ibrahim Warde. The Price of Fear: The Truth behind the Financial War on Terror / Ibrahim Warde. – London: IB Tauris, – 2007
4. Hans Visser. Islamic Finance: Principles and Practice. – Edward Elgar, Cheltenham, UK • Northampton, MA, USA, – 2009.
5. Судин Хорун, Ван Нурсофиза Ван Азмий. Исломий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. Қозон: Линова-Медиа, 2012. – 536-б.
6. Grais W., Iqbal Z. Regulating islamic financial institutions: The nature of the regulated / W. Grais, Z. Iqbal // World Bank Policy Research Working. – 2004.